

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
“МАГИСТРАТУРА” БЎЛИМИ  
“МАРКЕТИНГ” КАФЕДРАСИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
УДК: 339.138(575.1)

**АЛИМОВ МАРДОНБЕК МИРАЛИБЕК ЎҒЛИ**

**Янги товарларга харидорлар талабини ўрганишни  
такомиллаштириш (ишлаб чиқариш корхоналари мисолида)**

5A230401- "Маркетинг (товарлар ва хизматлар)" мутахассислиги

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

**Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Эргашходжаева Ш.Дж.**

**ТОШКЕНТ – 2017**

Диссертация ишида янги товарларга харидорлар талабини ўрганишни назарий ва услубий асослари ўрганилган ва "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган, маркетинг фаолияти таҳлил килинган. Шунингдек, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компаниясининг ишлаб чиқариш корхоналарида янги товарларга харидорлар талабини ўрганиш жараёни кўрсатилган ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In the dissertation theoretical and methodological bases of studying of consumers' demand for new goods were studied and the current status of production companies of "Uzbekoziqovkatkholding" holding company was analyzed, marketing activity was analyzed. Also, the company "Uzbekoziqovkatkholding" develops the process of studying the demand for new goods and developed practical recommendations.

Диссертация иши "Маркетинг" кафедрасидан дастлабки ҳимоядан 2017 йил  
"19" маи 14-сонли баённома билан ўтган.

Илмий  
раҳбар: и.ф.д., проф. Эргашходжаева Ш.Дж Этм 10.05.18  
имзо ой, кун

Магистр: Алимов М.М. Алиев 08.05.18  
имзо ой, кун

## Мундарижа

<b>Кириш.....</b>	<b>4</b>
<b>1-БОБ Янги товарларга харидорлар талабини ўрганишининг назарий ва услубий асослари .....</b>	<b>10</b>
1.1 Талаб тушунчаси, моҳияти, мазмуни ва унинг турлари .....	10
1.2 Янги товарларга харидорлар талабини ўрганишга таъсир этувчи омиллар.....	15
1.3 Янги товарларни режалаштириш усуллари ва товар инновацияси босқичлари.....	23
Биринчи боб бўйича хулоса.....	32
<b>2-БОБ “Ўзбекозиковқатхолдинг” холдинг компанияси ишлаб чиқариш корхоналарининг маркетинг ва хўжалик фаолияти таҳлили.....</b>	<b>34</b>
2.1 “Ўзбекозиковқатхолдинг” холдинг компанияси корхоналарининг хўжалик фаолиятига иқтисодий тавсифнома...	34
2.2 “Ўзбекозиковқатхолдинг” холдинг компанияси корхоналарининг маркетинг фаолияти таҳлили.....	41
2.3 “Ўзбекозиковқатхолдинг” холдинг компаниясининг ишлаб чиқариш корхоналарида янги товар ишлаб чиқариш.....	48
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	54
<b>3-БОБ «Ўзбекозиковқатхолдинг» холдинг компаниясида янги товарларга харидорлар талабини ўрганишни такомиллаштириш.....</b>	<b>57</b>
3.1 «Ўзбекозиковқатхолдинг» холдинг компаниясининг ишлаб чиқариш корхоналарида янги товарларга талабни ўрганишни такомилаштириш йўллари.....	57
3.2 «Ўзбекозиковқатхолдинг» холдинг компаниясида янги товарларга талабни башорат қилиш.....	65
Учинчи боб бўйича хулоса.....	70
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>72</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>75</b>

## **КИРИШ**

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарбилиги ва асосланиши.** 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош мақсади – кучли, рақобатбардош инновацион миллий иқтисодиётни яратиш ва шунинг ҳисобидан аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириб боришидир.

2017 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 5,3 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми – 7 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 2 фоиз, хизматлар – 8,9 фоиз ҳамда қурилиш – 5,6 фоиз ўсиши таъминланди<sup>1</sup>.

Юқоридаги маълумотлардан шу нарса кўриниб турибдики, сўнгги йилларда мамлакатимизда саноат тармоғи улушининг жадал суръатларда ўсиши, унинг таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бораётгани, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб, улар нафақат ички, балки ташқи бозорларда ҳам муваффақиятли сотилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида озиқ-овқат соҳасини ривожлантириш бўйича, Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер

---

<sup>1</sup> Давлаб бюджетининг 2017 йилдаги ва 2018 йилнинг биринчи чораги ижроси. Халқ сўзи, 2018 йил 1 июнь, №112.